



КОММУНИСТИК ИҶЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (5915).

18

МАРТ

ЖУМА

1977 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН РЕСПУБЛИКА САБЗАВОТКОРЛАРИ ВА СОҶИБКОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИПАДИ.

ЭЛ-ЮРТ ДАСТУРХОНИНИ НОЗ-НЕЪМАТЛАР БИЛАН БЕЗАЁТГАН АЗАМАТ МИРИШКОРЛАРГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасининг 1-темир-бетон буюмлари заводи ишчи-хизматчиларининг коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмақи билан байроғини топиришга бағишланган тантанали йилги бўлиб ўтди. Завод коллективга 1976 йил халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун бу мукофотга сазовор бўлди.

Юксак мукофотни Фрунзе район партия комитети-

нинг биринчи секретари С. У. Султонова топириди.

1976 йил халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмақи билан байроғи билан мукофотланган корхоналар орасида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» трести коллектив ҳам бор.

Бўлиб ўтган тантанали йилда Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг биринчи ўринбосари А. К. Каримов, трест коллективга

юксак мукофотни топириди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзбекшохтострой» трестида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмақи билан байроғини топиришга бағишланган йилги бўлиб ўтди. Трест коллективга 1976 йилги халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш юзасидан республика социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун бу мукофотга сазовор бўлди.

Юксак мукофотни Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг ўринбосари А. Д. Эм топириди.

ЭКИШНИ 5—6 ИШ КУНИДА ТАМОМЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Мақтаб кўлхозини янада юксак марралар сари руҳлантиришда. Улар ўтган йили эришилган ютуқларини мустақамлаб, Улуғ Октябр юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Хўжалигимизда баҳорги экишга тайёргарлик кўриш соҳасидagi кўпгина ишлар қилиб олинган. Баҳорги экишда, сутуричи шохбачалари мундарижидан илгари тартибга солинди. Тўғилар ремонт қилинди. Карта четлари ва эски ариқлар тегишлили. Кўлхозчиларимиз катта зовурларни тозалаш ва баланд-паст ерларни текислашда ҳам фаол қатнашиб ерга-ер қўйди.

Тракторчи ва механизаторларимиз ремонт ишларини мусобақа асосида ташкил этишиб, графикда белгиланган тадбирларини мундарижидан илгари бажардилар. Кўлхоз бош инженери Мамажон Ахмеджоновнинг таъабуби билан — бир тунда жуда осондан ишларни бажариб қўйди, улар ремонтдан чиққан техникани қайта-қайта синовдан ўтказдилар. Барча пуқсонлар қулатилган, айт билан қабул қилиб олинди.

Барча майдонларга уруғини бир хилда текис тушириш таъминлаш юзасидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Бош инженернинг таълими билан экиш

сейласининг галтаги устига куракча ўрнатилди. Бу галтакларга нам, туپроқ ёпишмай, бир текис ҳаракат қилиши ва чигитнинг уяларга тушишини таъминлайди. Чигит билан бир вақтингда экишда гербицидлар ҳам шилатилади. Унинг бир қисmini шомолда учиб кетмаслиги учун гербицид пуркайдиган резина шлангининг учига түсиклар ўрнатилди.

Аваллари тракторчи билан сейласининг ўртасидаги алоқа яхши бўлмади, кўп ҳолларда тракторнинг овози билан сейласининг галтаи эшитилмас эди. Бу эса агрегатнинг қондаларининг бурилишига сабаб бўларди. Биз бунинг олдини олиш мақсадида тракторчининг кабинасига сигнал ўрнатдик. Сейлакчи қишлоқни босиши билан тракторчи дарҳол тўхтади. Ишламай қолган қисмлар тўзатилиб сўнг иш давом эттирилади.

Хўжалигимиз 1700 гектар ерга пахта экади. Биз асосан туқма узундан кўп-роқ фойдаланишга ҳарамат қилишимиз. Техникамиз ҳам шунга мослаштирилди. Бу йил экиш агрегатлари сонини янада кўпайтирдик. 20 та сейлака ремонтдан чиқарилиб, экишга шай қилиб қўйилди. Уларнинг икки сменида чигит экишини таъминлаймиз. Бунинг учун барча тайёргарлик ишларини ҳозирдан кўриб қўйдик. Тракторларнинг ҳаммасига

электр чиқоқлари ўрнатилди. Механизаторлар ва сейлакчилар қисқа мuddатли курсларда ўқитилди. Бундан ташқари, амалий машгулотлар ҳам ўтказилди. Кўлхоз правлениеси ва партия ташкилоти механизаторлар ва бригада бошлиқларининг йилги ишларини ўқитиб, уларнинг талаб ва истаклари билан таништи. Экишни беш-олти иш кунида тамомлаш учун ҳар бир бригаданида бўла олмайдиган боришга аниқланди. Шунга ларша график ҳам тузиб қўйдик.

Ҳозир туқма — бригадининг ҳаммасида экишга тайёргарлик қилинган тус олд. Тўртта бригаданида баракка уруғи қадаладиган майдонлар тайёрлаб қўйилди. Биз яхши ишлов берилиб, обон-тобига келтирилган майдонларда туپроқ ҳарорати 14—15 градусти етиши билан экишни ёлпасига бошлаймиз.

Ерларимиз асосан туқай, эски қаминзорлардан иборат. Шу туфайли экишдан олдин турурнинг юзаси 6—8 сантиметр чуқурликка жуфт култиваторлар ёрдамида шилалади. Бизнинг жойларда эса кесувчи ишчи ерлариди тақилган агрегатлар ёрдамида 8—10 сантиметр чуқурликда чизил қилинади. Ўзгача, гумай, ажриқ илдизларини тозалаш пайтида турурчи экишни кетган майдонлар эса юмшатуви

ишчи органларига эга бўлган агрегатлар билан чизеланиб, сўйгра мола босилади. Биз пахтанинг эрта етилиб пишиши учун ҳозирдан ҳаракат қиламиз. Азот ва фосфор ўғитларининг бир қисmini экиндан олдин ерга солишимиз.

Хўжаликда маҳаллий ўғит тузлаш ва далага ташиб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилди. Қўшни бўлган «Эрта сарой» совхозининг фермасидagi чирғани туғилари ҳам 10 та прицепли трактор ёрдамида ташиб келтириб, карталарга 15—18 тонна ҳисобдан солинаётди.

Кўлхозимиз аъзолари юбилей йилида ҳосилдорлигини пландагига нисбатан туқиз центнерга кўпайтиришга сўз берганлар. КПСС Марказий Комитетининг Мақтабига амалий иш билан жавоб бераётган пешқадм бригадалар 40 центнерлик ҳаракатини кўчатириб юбордилар.

Кўлхозчиларимиз экинни бекамлик, қисқа мuddатларда агротехника талабларига мувофиқ ўтказдилар. Шу билан бирга уруғини ердан хатосиз ундириб олиш ва белгиланган қалинликда бўлишини таъминлайдилар.

М. КАРИМОВ, Урта Чирчиқ районидagi Ленин номи кўлхоз раиси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ
ЎРТОҚ С. ОЛЬШОВСКИЙНИ

ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 17 март куни Кремлда Поляна Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети раёси биросининг аъзоси. Марказий Комитет секретари ўртоқ С. Ольшовскийни қабул қилди. Ўртоқ С. Ольшовский халқ хўжалигига партия раҳбарлиги масалалари тасдиқдан ташқари алмашиш учун КПСС Марказий Комитетининг таълифига буюган Совет Иттифоқига келди. Бўлиб ўтган сўхбат чоғида ўртоқ Л. И. Брежнев совет экономининг янада ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан КПСС XXV съездининг қарорлари қандай бажарилаётганини ҳақиқда таъриб берди. Шу билан бирга Улуғ Октябр социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига мамлакатда авж олдириб юборилган умумхалқ социалистик мусобақасининг алоҳида аҳамиятига эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, социализм ва тинчлик иши йўлида Совет — Поляна ҳамкорлигининг муваффақиятли ривожлантирилганлигини мамун эълоқини билдириб, ПБШ VII съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида поляк коммунистларининг қардош партияси-га ва поляк халқига янги-дан янги муваффақиятлар тилади.

Самимий ва ҳамжиҳатлик вазида ўтган сўхбатда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ К. В. Русаков иштирок этди.

ЙИЛ БЎЙИ
ЯНГИ САБЗАВОТ

Калинин районидagi «Партия XXI съезди» совхозида 6 гектарлик теплица фойдаланиш учун қуриб қилинди. Ҳозир Калинин району кўҳоз ва совхозларда жами майдони 20 гектар келадиган теплицалар қурилмақда.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР
МАҲОРАТИ
МАКТАБИДА

Тошкент область партия комитети ва Ўзбекистон журналистлар Союзи област ташкилоти правлениеси хузуридаги бир йиллик журналистлар маҳорати мактабининг навабдagi машгулотни бўлиб ўтди.

Машгулотда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири ўринбосари Н. Н. Насимов «Омманвий информация ва пропаганда воситаларига партия раҳбарлигининг ленинча принциплари», Ўзбекистон журналистлар Союзи област ташкилоти правленисининг раиси А. И. Исмаилов «СССР Журналистлар союзини IV съезди қарорлари асосида район газеталари олдига турган вазифалар», «Тошкент оқшони» — «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори С. М. Каримов «Газета секретариати ишлари уюштириш» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети социалистик мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг 1977 йил 2—3 март кунлари Софияда халқаро ва идеология масалаларига бағишланган ўлка-зилган кенгаши якунида-

рини қараб чиқди ва КПСС делегациясининг фаолиятини маъқуллади. Тегишли ташкилотларга кенгашда келишиб олинган ҳулосалар ва тавсияларни амалга ошириш чораларини кўриш топирилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎРТОҚ К. Ф. КАТУШЕВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ: Ўртоқ Константин Федорович Катусев СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1977 йил, 16 март.

ИККИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

ЧИНОЗ. (Ўз мухбиримиздан). Чиноз наслчилик совхоз-техникуми чорвадорлари Улуғ Октябр социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этиб, янги-янги ютуқларини кўлга киритмоқдалар. Совхоз бўрдоқчилари қиш ойлариди ҳам қорамоллар парварлишини сусайтирмай, ҳозиргача 1266 центнердан зиёд гушт етиштириб, квартал планини орти билан бажардилар.

Шунингдек, райондаги «Қизил Октябр» кўлхоз бўрдоқчиқарлари ҳам мусобақа пешқадамлари сафида

бормоқдалар. Улар пландаги 198 центнер ўрнига 246 центнер гушт топириб, квартал планини мундарижидан илгари адо этдилар. «Партия XXIV съезди» совхоз бўрдоқчиларининг шу қанча давлатга сотган гушт маҳсулоти 115 центнердан ошди кетди.

Районнинг бошқа бир қатор хўжаликларида ҳам иккинчи квартал ҳисобига гушт топириш қизғин давом этаётди. Чинозлик чорвадорлар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, Октябр байрамиди 2200 тонна гушт етиштиришга аҳд қилдилар.

А. ФЕЛЬДМАН.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ— МАЙ БАЙРАМИГА

БРИГАДАМИЗ аъзолари бу йил кўплагани дала ишларини зўр кўтариш билан бошлаб юбордилар. Ҳаммамизнинг мақсадинимиз — бир шарҳинлар дастурига кўт ва сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш, меҳнат муваффақиятларимиз билан Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб нишонлашдир.

Шунинг учун ҳам дала ишларини ҳар қанчадан ҳам қизитиб юбордик. Ҳозиргача 12 гектар майдонга эртаки картошка уруғи экиб бўлиди. 15 гектар майдонга экилган кулги пиез барави, ривожланиб, қўшни қувонтиришти. Ҳозир кўлхозчиларимиз бу пиезни бе-

гона ўтлардан тозаламоқда-ри ҳамда биринчи озикларини ҳозирлик қўймоқдалар.

Полиэтилен пленкаси остида экилган бир гектар майдондаги картошка ҳам дастлабки ишлов бериши бошлаб юбориш арасида турибмиз. Бригадамиз дала-ларида айни пайтларда қарам қўчати ўтказиш қизғин давом этмоқда. Экинлаётган қарам қўчатларининг сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки буланак ҳосилининг тақдирини кўп жихатдан қўчанининг бўликлари-га ҳам боғлиқ бўлади. Экинлаётган қарам қўчатла-

рини кўлхоз парнигида бригадамиз аъзоларининг ўзлари етиштирилди. Бу ерда кўплаб помидор қўчатлари ҳам тайёрламоқдамиз.

Тракторчи Абдуразоқ Қўнаев ҳар кун 1,5 гектар майдонга қарам қўчати экимоқда. Экинган ниқолларга пешма-пеш сув оқизилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда сўнчалик миздан Салим Каримов, Хозмат Пулатовлар алоҳида ўрнат қўчатиляпти.

Бригадамиз аъзолари дастлабки дала маҳсулотларини Меҳнатнашларнинг халқаро бирдамлиги кўни — 1 Май байрамиди эл дастурухонага тортиб қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Май

байрамида шарҳинлар учун кўплаб редиска, барваниз, боринг ва қарам етказиб берилиши. Бунинг учун мавжуд имкониятларимизни ишга солиб, ҳар бир ишчи соатидан унумли фойдаланмоқдамиз. Дала ишларини жиҳозлаб, у ерда кўлхозчиларимиз учун иссиқ овқат ташкил қилдик.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябр» социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қароридан руҳланган бригадамиз аъзолари сабзавот экиш кампаниясини ўз вақтида тез ва соз ўтказдилар. Май байрамидан бошлаб то кеч қўзгача ҳамшаҳарларимиз дастурухонини турди-туман сабзавот маҳсулотлари билан босайверамиз. Маҳсулот етиштирилиб барча турлари бўлган зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариб, буюк индилобининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб оламиз.

М. ҲОЖИЕВ, Оржоникдзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» кўлхозининг бригада бошлиғи.

Янгиўл районидagi Назарали Ниёзов номи кўлхоз пахтакорлари хўжаликдаги мавжуд 14 та сейлакни сифатли ремонтдан чиқариб, чигит экинни бошлаш учун шай бўлиб турибдилар. Илгор механизаторлардан Қодиржон Шокиров (ўнгда) ва Абдумўмин Ўтанбоевлар кўлхозда биринчилар қатори чигит экишга тайёр эканликлари ҳақида рапорт берди-лар.

А. Абаляев фотолари.



ХАЛҚИМИЗГА НОЗ-НЕЪМАТ БЕРГАН

ҒОЛИБЛИК БАЙРОҒИ ҚЎЛИМИЗДА

Колхозимиз аъзолари самардорлик ва сифат беш йиллигига улкан зафарлар билан қадим қўйдилар. 1975 йилда сабабот маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар анча ортири билан адо этилиб, область ҳужжатлари орасида энг юқори кўрсаткичларга эришганлигимиз учун колхозимизга область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари, област Совети ва область комсомол комитетининг кўча-Кизил байроғи топширилган эди.

Ушунинг беш йиллик бўса-дасида қўлга киритилган беш ютуқ сабаботкорларимизни юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Беш йиллик пилани сабабот маҳсулотлари етиштириш бўйича тўрт йилда, давлатга

сотиш юзасидан эса уч ярим йилда бажаришга азму-қарор қилган коллективимиз дастлабки йилда янада улкан зафар қўчди. 1976 йилда сабабот экинлари ҳосилдорлигини янада оширишга эришиб, давлатга 7200 тонна маҳсулот сотиш юзасидан оширилган мажбурият қана бул қилинган эди. Ғолиблик байроғини кўлдан бермаслик учун астойдил меҳнат қилган коллективимиз бу са-

фар ҳам ваъдасини ёруғ юз билан оқлади. Давлатга жами 8947 тонна сабабот маҳсулотлари етказиб берилиб, халқ ҳўжалик пилани 164,5 процент қилаб адо этилди. Ҳосилдорлик ҳам мажбуриятдаги 270 центнер ўрнига 388 центнерни тапшил эди.

Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда эртакки сабабот маҳсулотларини барвақт етиштириш йўлида олиб борилаётган тиғисиз кураш ҳал қилувчи роль ўйнади. Ҳўмдалан, ўтган йил эртакки қарам экинлар майдонларида барча агротехник тадбирлар қўлай му-

датларда сифатли ўтказилганлиги туфайли ҳосилдорлик 374 центнердан ошиб кетди. Шунингдек, помидор ва пияздан ҳам 420—467 центнердан ошириб, ҳосил олинди. Шуниси қувончлики, бундай кўрсаткич область миёсидан энг юқори деб топилди ва колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари иккинчи марта область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари, област Совети ва область комсомол комитетининг кўча-Кизил байроғи билан таъдирланди.

Бу йил қишнинг қаттиқ келишига қарамай, кузги-қишки тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилди. Колхозчиларимиз айна қунарлар ҳам янги ҳўжалик йилининг мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш ишларини қизгин давом эттирмоқдалар. Мақсадимиз — ўтган йиллардаги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, ғолиблик байроғини қўлда сақлаб қўлиш ва буюк ишқибобнинг 60 йиллик тўйини ана шундай муносиб совға билан қутиб олишдир.

Кария ПАЙЗИБЕКОВ, Ўзбекистон районидаги Жданов номи колхознинг сабаботчилик бригадаси бошлиғи.

УШИНЧИ беш йилликнинг биринчи йилида районимиз ҳўжаликларида сабабот ҳосилдорлиги 19 центнерга, картошка ҳосилдорлиги 28 центнерга ошди, «Москва», Калинин номи колхозларида «Бўсув», «Партия XXI съезди» совхозларида ҳосилдорлик район кўрсаткичидан анча юқори бўлди.

Хўш, бундай юксалишга қандай йўллар билан эришилмоқда?

Матълумки, ишнинг тақдирини кадрлар ҳал қилади. Зотан, кадрлар олтин фондими, деб бежиз айтмаган. Масалан, бундан бир неча йил илгари «Хасков», «Бўсув», «Ўзбекистон ССР, 50 йиллиги» каби совхозларда пилан ва мажбуриятларни бажаришда катта камчиликларга йўл қўйилди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга биллимли, ташкилотчи, янгиликка иштирокчи, меҳнат қилар билан тил тола билган кадрларни танилаш ва тарбиялаш масаласига жиддий эътибор берилди. Бу усул амалда ўзини оқлади. Ҳўжаликларда биринчи йилнинг ўзидек катта бурлиш юз берди.




АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР номидаги боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-тадқиқот институти боғдорчили бу йил республика ҳўжаликларида 50 мингдан ортиқ мевалик дарахт қўчати етказиб берадилар. Суратларда (чапдан): институтининг «Кенсой» участкаси бош агрономи Гаффор Қажоков, уруғчилик бўлимининг илмий ходими Елена Шредер ва суви Хатам Ҳайтбосовлар серхосна олма қўчатларини қўздан кечирмоқдалар. (Ўғда) дарахтларга шакл бериш пайти. А. Аббасов фотолари.

КАРТОШКАКОР ВА САБАВОТКОРЛАР ОЛДИДА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ. КАРТОШКА ВА САБАВОТ ҲОСИЛДОРЛИгини ошириш ва ялпи ҳосилни кўпайтириш билангина ЧЕКЛАНМАСДАН, УЛАРИНИНГ СИФАТИНИ АНЧА ЯХШИЛАШ ҲАМ, ЖЕРАК... МЕВА, УЗУМ... ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА Кўпайтириш учун МАВЖУД ИМКОНиятлардан тўла-тўқис фойдаланиш ЛОЗИМ.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ РАХБАРЛАРИ БИЛАН МУТАХАССИСЛАРИ КОНКРЕТ ШАРОИТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ҲАР БИР ЭКИНГА ДОИР ИШЛАРИНИНГ АҲВОЛИНИ ЧУҚУР АНАЛИЗ ҚИЛИШЛАРИ ҲАМДА КўКЛАМИН ДАЛА ИШЛАРИГА ТАБИЕРГАРЛИК ҚУРИШ ДАВОМИДА ЯЛПИ ҲОСИЛНИ АНЧА Кўпайтиришга, ИМКОН БЕРАДИГАН ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ КЕРАК.

[КПСС Марказий Комитетининг барча меҳнат қиларларга Мақтубидан].



▲ СУРАТДА: Оржоникидзе районидан Ленин номи колхоз далаларида сабаботни эрта етиштириш мақсадида полиэтилен пленкасида сакарал фойдаланилмоқда.

ҲИСОВ-КИТОБ САМАРАСИ

Колхозимиз бундан 2—3 йил илгари Тошкент районида қолқ ҳўжалик ҳисовбонлар эди. Сабабот ва картошка ҳосилдорлиги пасайиб кетган, ердан, техника воситаларидан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилмади. Колхозчиларнинг меҳнати тўғрисида ҳисовбонларнинг иш тизом бўшашиб кетган эди. 1975 йил февраль ойида бўлиб ўтган ҳисовбон-сўйлов йилгилишида президиум аъзолари қайта сайланган, иш жонланди.

Янги правление аъзолари қолқ колхозини илгир ҳўжалик даражасига етказиб олишдек жуда муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришга сидқидилдан киришдилар. Меҳнатсевар колхозчиларимиз ўртасида кенг тушунириш ва оммавийсиёсий ишлар олиб борилди. Меҳнат иштирокини мустаҳкамлаш тадбирлари қўрилди. Социалистик мусобақа йўлга қўйилиб, моддий рағбатлантириш усуллари қўйилди. Айниқса, ҳар бир колхозчининг қилган ишини ўз вақтида тўғрисида ҳисовб олишга алоҳида эътибор берилди. Шу туфайли колхозчилар ишга онгли муносабатда бўла бошладилар. Астойдил меҳнат қилди колхозини қолқидан қиларш учун кураш бошлади. Натияжада сабабот, картошка, чорва маҳсулотлари

етиштириш қўпая борди. Ер сув, ўғит, техника воситаларида ҳам самарали фойдаланилган учун ҳосилдорлик ошди.

1974 йили колхозимизда 1340 тонна картошка етиштирилган бўлса, 1976 йилда ўша йилга нисбатан 476 тонна кўп картошка топширилди. Сабабот экинлари 1974 йилга нисбатан 3346 тонна, мева 871 тонна, сўт 185 тонна, пилла 4 тонна қўпайди. Умуман шу давр ичида маҳсулот ишлаб чиқариш икки баробар ошди.

Бундай юксалишга конкрет тадбирлар белгилаб, уни изчиллик билан амалга ошириш туфайли эришилмоқда. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш

ни кўпайтириш учун эрта баҳорда ҳамма бригадаларга қарашли ерларнинг шароити ҳисобига олинган ҳолда технологик карта тузиб чиқилди, ва бригада бошларларига топширилди.

Технологик картада кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Экин экин, қатор ораларини ишлаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш юзасидан уни қулиқ қатъий график тузиб берилди. Бу графиклардан нуксонлар чўқур таҳлил қилиб берилди. Графикдан ўзиб ишлаб, социалистик мусо-

бақада ғолиб чиққан бригада аъзолари моддий ва маънавий рағбатлантириб турилди.

Бундан ташқари ҳар бир колхозчининг бажариш иш, топширган маҳсулоти бригаданинг ўзидан ҳар қулиқ ҳисобга олиниб, табиғатга эътибор, расмийлаштириб берилди ва ҳар 15 кунда колхоз бухгалтериясига топшириб турилди.

Колхозчиларга бажариш ишларига қараб ҳам тўлаш, меҳнат нормаларининг бажарилиши устидан назорат қилиб туриш ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлди. Айниқса, район партия комитети, район ижроия комитети, давлат банки, «Узсельхозтехника» районо бошқармасининг қўлидан берган ердами ҳал қилувчи роль ўйнади.

Колхозда самарали меҳнат қилиб сабабот ва картошкадан мўл ҳосил етиштиратган

бригадалар сафи кенгайиб бораяпти. Утган йили Мирзиев Миртурисов, Абдуллаев Абдуллоев, Иноят Абдуллоев, Юсуф Исомовлар бошлық бригадалар 1000—1200 тоннадан маҳсулот топшириб юқори кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, сўт етиштириш кўпайтиришда соғушчиларимиздан Вазир Шобобоев, Дилфруз Собирова Шарифа, Султоновлар 1976 йилда ҳар бир сиктирдан 5000—5100 килограмдан сўт соғиб олишга эришдилар.

Меҳнатни тўғрй ташкил қилиш, иштинизом мустаҳкамлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтириш натижасида колхоз экономикаси мустаҳкамланиб борапти. Масалан, 1974 йилда колхоз бўйича соф даромад бўлмаган эди. 1976 йилда 1 миллион 893 минг сўм даромад қилинди. Соф даромад 376,8 минг сўмни ташкил этди. Шун-

дан маданий-маиший эҳтиёжлар учун 54,9 минг сўм, бўлимас фондга 194,8 минг, ўтган йиллардаги қарзларни қоплаш учун 127 минг сўм, меҳнат ҳақ қ. фондида 833,8 минг сўм аккредитли. Меҳнат ҳақи фондига аккредитли маблағ 1974 йилга нисбатан 341,8 минг сўм қўпайди.

Колхозимиз меҳнатқиларни дастлабки эришган ютуқлардан руҳланиб, Улғў Октябрь ишқибобнинг 60 йиллиги шарафига бошланиб кетган Бутуниттифок социалистик мусобақасига қўшилиб ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар. 1976 йилда 10 минг ўрнига бу йил 13 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳосилдорлигини бултуртириш 318 ўрнига 350—360 центнерга етказиш, 2400 тонна картошка, 1250 тонна сўт етиштириш учун астойдил бел боғлашлар. Бу олинган мажбу-

риятни бажариш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўзда ҳамма экин майдонини сифатли шудгор қилиб қўйилган. 100 гектар ерга август пилзи сепади. Сабаботчиликда алоҳида аҳамиятга эга бўлган парник ҳўжалигида 3,5 миллион қарам, 5,5 миллион помидор қўчатлари тайёрланмоқда. 80 гектар ерга эртакки картошка, 25 гектар ерга ошпазлаги, 40 гектар ерга эртакки қарам экин қўйилди. 6500 тонна маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарили. Техника шай, кишиларини кўтариш руҳ билан меҳнат қилишляпти. Юбилей йили топшириларини муваффақиятли бажариш учун барча ишқибобларга эътибор.

Нодир БОЙМУХАМЕДОВ, Тошкент районидан Навоий номи колхоз раиси.



КЕИНИГИ йиллар ичида қишлоқ меҳнатқашларига савдо хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Қўлгина районларда янги савдо марказлари, умумий овқатланиш корхоналари қад кўтарди. Суратда: Чиноз районининг марказида фойдаланишга топширилган савдо маркази ҳамда ресторани кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда савдо марказининг газлама-лар ва тайёр кийимлар бўлимида иш пайти.

А. Абалиев фотоси.

РЕКЛАМА

Эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

19 МАРТДА БОШЛАБ
ҲАР КҮНИ СОАТ 19.30 ДА
ЯНГИ ПРОГРАММА

ЖАҲОНДАГИ ЯҲОНА ЛЮЛИПУТЛАР
РЕВЮСИ ИШТИРОКИДА

19 мартда соат 15.00 ва 19.30 да, 20 мартда соат 11.00, 15.00 ва 19.30 да томошалар кўрсатилади.

24-31 МАРТ-МАЙ ТАВ. ҲАҲОНДАГИ ЯҲОНА ЛЮЛИПУТЛАР РЕВЮСИ ИШТИРОКИДА

Билетлар цирк қассаларида ва район кассирлар орқали сотилимоқда.

КОЛЛЕКТИВ БҲЛИВ КЕЛТИШ УЧУН ЗАВЯКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИМОҚДА.

Касса ҳар кун соат 9.00 дан ишлайди.

КИТОБХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

КЕЧАГА революция ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари меҳмон бўлиб келишди. Уларнинг кўксини орден ва медаллар беаза турбди. Суронди йигирманчи йилларда ёш Совет республикасини ҳимоя қилишда ва Улуғ Ватан урушида она-Ватанимизни фашист газандалардан қўриқиб қилишда жасорат намуналарини кўрсатган бу ветеранлар бутун юзаси-хурматда. Янгитопилдаги биринчи маданият уйда бўлиб ўтган кечда революция ва уруш ветеранлари йиллардаги Оқтобрий галабалари учун бўлган курашларда жон фидо қилган савдошларни ҳақда сўзлаб беришди. Улуғ Оқтобрий социалистик революциянинг 60-йиллигига бағишлаб ўтказилган бу учрашув қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Кечга меҳмон бўлиб келган ёзувчилар Э. Арбенов билан М. Писманик ижодий режиссори ҳақда сўзлаб, китобхоналарнинг саволларига жавоб қайтардилар.

ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТИ

ЎЗБЕКИСТОН хор капелласида яқинда ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлайди. Бу санага янги йилдаги совғалар ҳозирлашганда.

Концерт программаси раанбаран. Рус классик композиторларининг асарлари ҳам унда ўрин олади. С. Рахматиллоевнинг «Баҳор» номли кантатаси, Т. Свиридовнинг «Патетик ораторияси» шулар жумласидан.

Ижодий коллектив ўзбекистонлик композиторлардан Сулаймон Укюлов, Мутаал Бурханов, Ироқ Акбаров ва бошқаларнинг хор учун ёзган асарларини ҳам ижро этади.

АДАБИЁТГА САРФ ЛАНГАН УМР

ОРИФЖОН ИКРОМОВ ТУГИЛГАН КҮННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА



Таниқли адабиётшунос олим, истеъдодли шоир, ақолиб педагог Орифжон Икромов агар ҳаёт бўлганида ҳозир 50 ёшга тўлган бўларди. Бугунги кунда унинг ижодкор дўстлари, қўлаб шоғирлари ўз қадр-донларининг юбилейини нишонлар эканлар. Орифжон Икромовнинг сартабасум чехрасини, шахсиятидаги ақолиб фазилатларини бот-бот эслайдилар. Ҳароратли шеърларини, публицистик руҳга бой мақолаларини, қайта-қайта тилга оладилар.

Орифжон Икромов 1928 йилининг 2 сентябда Жиззах районидagi «Москва» колхозига хизматчи оиласида дунёга келди. Икромовлар оиласи оташин ватанпарвар шоир Ҳамид Олимжонга яқин қариндош бўлади. Андиқор Орифжон Икромов оташнафас шоирнинг туғилган жойидир. Ана шу туғилган адабиётга бўлган меҳр-ҳавас Орифжонда анча эрта уйғониб. Жиззах районидagi Наринином номида мактабда, сўнгра В. И. Ленин номидаги мактабда ўқиб юрган Орифжон ўз шеърлари билан матбуотда актив иштирок этиб юрди.

Орифжон Икромов 1944-1945 йиллар давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетидagi (ҳозирги СамГУда) ўқиди. Студентлик йилларида унинг адабий ижод борадиган фаолияти анча активлашди. Орифжон Икромовнинг янги-янги шеърлари Самарқанддаги «Ленин йўли» газетасида, Тошкентда нашр этилган альманах ва коллектив тўғилганда тез-тез босилиб турарди. Унинг шеърлари «Ватанга меҳр-муҳаббат, она забиат тўғилганлардан завқланган кайфиятлари алоҳида бир жанр билан янгилашган турарди.

Баҳористон — бахтар макони, Бу Ватанга менман бир фарзанд, Ватан, сендан ҳеч во нечмасман, Гуд майсасига жонимдир пайванд.

Орифжон Икромов университетда ўқиб юрган йиллари адабиётшунослик ил-

мига алоҳида меҳр билан қаради. Ўша йиллари унинг ўзбек совет адабиётининг турли давралига оид мақола-лари адабиётчи олимлар диққатини ўзига жалб этди. Университетнинг филология факультетини 1949 йили иктивизли диплом билан тугатган Орифжон Икромов ўша йилиёқ аспирантурага кириш учун имтиҳон топширди.

Аспирантурада ўқиб юрган йиллари Орифжон Икромов эр гайрат билан иш-лари қатор шеърлар, адабий мақолалар ёзди, филология факультети студент-ларига ҳозирги замон ўзбек адабиётининг семинар даражасида машғул ўтказди, ёш ижодкорлар тўғрисидаги раҳбар сифатида студентларга ҳикоя ва шеърлар буйича қимматли маслаҳатлар берди. У бир неча йил давомида «Амин Умарийнинг ҳаёти ва ижоди» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини устиди ишлади. 1954 йили кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёзди. 1956 йили унга доцентлик унвони берилди.

Орифжон Икромовнинг замонавий олим ва меҳрибон педагог сифатидаги фаолияти ҳам алоҳида эътиборга моликдир. У 1956-1962 йиллар давомида университетда ўзбек филологияси факультети деканининг

ўринбосари, факультет денани ва ўзбек адабиёти кафедрасининг муdiri вазифаларида ишлади. Бу йиллар давомида у Самарқандда адабиётчи олимлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

1964 йили Орифжон Икромов Қарши Давлат педагогика институтининг ректори қилиб тайинланди. 1967 йили Садриддин Айний номида Самарқанд Давлат педагогика институтининг таъин-лотчиларидан бири бўлиб да унингнинг охиригача мақсуд билан ўқитишнинг ректори ҳамда ўзбек адабиёти кафедрасининг муdiri бўлиб ишлади. Унинг ана шу йилларда ёш олимларга ва ёш ижодкорларга нисбатан кўрсатган ғамхўрлиги ва раҳбарлиги алоҳида диққатга моликдир.

Орифжон Икромов жамоатчилик ва педагогик ишларини ҳамда илмий иш билан ёнма-ён олиб борарди. У олти йил иш ва етмиш йил ишлар давомида Ҳамид Олимжон, Сулфия, Амин Умарий, Парда Турсун каби шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида бир қатор мақолалар ёзди, монографиялар ёзган эди. У бир неча йил давомида докторлик диссертациясини устиди ишлади. Бу йилда республикамизнинг атоқли олимларидан Воҳид Абдуллаев ва Воҳид Зоҳидлардан унга устозлик қилдилар. Орифжон Икромов 1970 йили «Ўзбек романида ижодий ҳаёт» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёзди. Бу диссертация республика илмий жамоатчилигининг юқори баҳолига сазовор бўлди. 1971 йилда олимга профессорлик унвони берилди.

Яқинда Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат институти Орифжон Икромовнинг таъиноти билан асарларини чоп этилди. Дидли шоир ва келамануван олимнинг шеърлари ва илмий-адабий мақолалари мажмуасидан таъинот топган бу китоб муаллифининг қирқ тўрт йиллик ҳикоя умри давомида гайрат билан ишлаганлигини кўрсатиб турибди.

Шоирнинг аксарият шеър-

ларида улуғ Ленин ва партия ишига садоқат, юксак ватанпарварлик туйғуларини қўйлади. «Ленин тирин», «Ленин десам», «Энг улуғ инсон», «Москва», «Салом, Октябр», «Самарқанд», «Бахтар макони», «Орозу» каби шеърларининг сарлавҳасиёқ уларнинг баланд публицистик руҳини, шоирнинг юрагини белгилаб турибди. Шоир «Орозу» деб номланган шеърда шундай дейди:

Дунёда энг бахтли инсон бўлардим, Шеър билан халқимни табриқлай олсам. Фақат битта орзу ҳукмрон бўлган менда:

Шу халқ хизматига.

Шоир ўш айтганидай, уларнинг сўнги кунигагача халқ учун жамоат иш учун хизмат қилди, шеърлари, илмий-адабий мақолалари, педагогик фаолияти билан халқимизнинг эъгу ишлари учун тер тўкиб ишлади.

Меҳрибон педагог, ҳассос шоир, теран фикрли олим Орифжон Икромовнинг халқ манфаати йўлидаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз муносиб таъдирлади. У «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Хурмат белгиси» ордени, «1941-1945 йиллардаги ватанлиқ меҳнат учун», В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги медаллари билан мукофотланган. Унга СССР халқ маорифи аълосиси унвони ҳам берилган эди.

Орифжон Икромов бир гал ўзининг адабиётшунос шоғирларидан билан бўлган суҳбатда шундай деган эди:

«Замонамизнинг талаби шундайки, адабиётшунос олим учун адабий-бадний маънавияти, бадийиёта хос қондалар, тушунчалар ва ҳақолазларни билишнинг ўзига ягона қўлмайди. Унда ҳеч бўлмаганда, мукаддас равишда шоирлик ва таркимонлик талафти ҳам бўлиши лозимдир.»

Орифжон Икромовнинг ижодий-илмий фаолиятида худди ана шундай эъгу фазилатлар мужассам эди.

Орифжон ҲУСАНОВ.

ХРОНИКА

СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ К. Ф. Катушевич СССРнинг Ўзро Итисодиёт Ердам Кенгашидаги вакили қилиб тайинланди.

СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ М. А. Лопатин СССРнинг Ўзро Итисодиёт Ердам Кенгашидаги вакили вазифасидан озод қилди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Тель-Авивнинг итисодиётини натижасида мамлакат жанубида қасбилашган кетган ҳаёт Ливан ҳукуматидаги марказида турарди. Бу ма-сала Ливан министрлар ке-нашининг президенти Сар-кис расмийла ўтган маж-лисда муҳомаа қилинди.

Бугун «Ал-Мурр» га-зетасининг ёзишча, Ливан маъмурлари кўрган бир қанча тадбирлар натижаси-да кейинги вақтда вазият бир мунча стабиллашди. Сўнги хабарларга кўра, Ли-ваннинг жанубидаги айрим аҳоли яшайдиган пунктлар-да бугун яна отишмалар бўлган.

Ливаннинг бошқа рай-онларида ҳаёт сенна-аста нор-мал иста тушиб бормоқда.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» ре-дакцияси ҳузуридаги ишчи-мушхирлар университетининг набадлати машғулотлар 18 март кун итказилади.

РЕДАКЦИЯДАН

Газетанинг 1974 йил 29 май сониди босилган «Тухмачи-лар» сарлавҳали фельетон-даги айрим фактлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини тасдиқла-нилади. Бу маъриалини тайёрлашда маъхулиятсизли-ни йўл қўйган мушхир ҳозир редакцияда ишламайди.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. Чехослования пойтахтида халқаро меди-цина адабиёти выставкаси очилди. Бу выставка томо-шқибиларни медицина фаи-ва техникасининг энг янги ютуқлари билан таништи-рди. Жаҳондаги мамлакат-ларнинг итисодиётини раҳ-барлари 149 нафарли медицина ва фармацевтиканинг турли масалаларига доир чоп эт-ган қарийб бир ярим минг номдаги китоб выставкага қўйилган.

ГАВАНА. Бу ерда эконо-микани бошқариш мактаби очилди. 148 киши, пойтахт-даги корхоналарнинг раҳ-барлари янги ўқу йилида шу мактабда шуғуллана бошладилар. Куба Компар-тияси Марказий Комитети-нинг аъзоси Оскар Фернан-дес Мель мактабни очиб маросимда сўзлаган нутқи-да Кубада экономикани бошқариш ва планлашти-ришнинг янги системаси жо-рий этилаётган бир шариот-да корхона раҳбарларининг маънасини ошириш учун бу мактабнинг таъини этилиши муҳим аҳамиятга эга экан-лигини таъкидлади.

ЛОНДОН. Англиядаги би-нонорлар ўртасида ишчи-лик авж олмоқда. 1974 йил-да мамлакатда юз минг ми-лион буюмкор рўйхатга оли-нган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сояи 220 минг ки-шига етди. Матбуотда қараган-да, Англиядаги буюмкор иш-чилар ўртасида ишчилик даражаси 15 процентга ет-ган.

(ТАСС, 18 март).

Дунё овози Чеп эл хабарлари

К. ЖУМБАТ ҲАҚИДА

БАЙРУТ. 17 март. (ТАСС). Кеча Ливаннинг таъиноти сийсий ва жамоат арбоби, прогрессив соци-алистик партия бошлиғи Ка-мол Жумбат ўлдирилди. У пойтахтнинг жануби-даги қирқ тўрт йиллик ҳаёт-да йўлда ўлдирилди. К. Жумбатга ҳамроҳ бўлиб келган икки киши ҳам ҳалок бўлди.

Бу қотилликка Ливандаги аҳолини яна қескинлашти-ришга урушми мақсидида қилинган итисодиётчи деб баҳо бериш мумкин. Қотил-лар ҳозирча топишган йўқ. Аммо улар Ливанга қарши фийта қўштарилган куч-ларнинг тарафдорлари экан-ликлари шубҳасиздир.

ҚОҲИРА. 17 март. (ТАСС). Фастиин миллий кенгаши сессиясида қатна-шш учун бу ерга келган Фастиин қаршилик кўра-тиш ҳаракатининг раҳбар-лигини қаҳр-газаб билан қўриб олдилар. Фастиин озодлик таъиноти ижроия комитетининг раис Я. Ара-фат К. Жумбатнинг ўлими Ливан халқи ва фастиин-ликлар учун жоғна, деб таърифлади. Фастиин озод-лик демократия фронтининг вакили Абу Аднан бу жи-ноят учун «Исроилнинг ва АҚШ марказий разведка бошқармасининг йўл-йўриги билан ҳаракат қилган фа-шист кучларни» айблади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА».

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19111 да Жаҳондаги ягона лилупутлар ревиоси иштирокида Москва циркнинг гастроллари (15.00, 19.00).

ТЕАТР

18 МАРТДА

САҲНАТ САРОВИ — Тўйгу (катта зал, кундуз ва кечку-рун).

Ютуқ — «ЧАНКА», «ВОС-ТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Қизлар ва аяллар — «ҚОЗО-ҒИНОТ», НАВОЙИ номи (кун-дуз ва кечкурун).

Малиновкада тўй — БИЛИМ-ЛАР УНИ (13, 15, 17, 19.00), «ИСКРА» (19.30).

Борисан, марказий уйинчи — «ДРУЖБА» (15, 18.40, 19, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Муайина олтилар — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Ҳанг узра тоғ — Г. ҒУЛОМ номи (11, 12, 17, 20.00).

Рақиса — «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Навоий номидаги ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19111 да Диплом, 19111 да Испан миниатюрала

коммулятор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.